

# Давлат харидлари тизимида махсус ахборот порталининг ўрни

Гулнигор Фаёзиддин қизи Наимова  
ТМИ

**Аннотация:** Мақолада давлат харидлари тизимида махсус ахборот порталининг ўрни, аҳамияти, операторнинг функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ёритилган.

**Калит сўзлар:** электрон тизим, оператор, электрон давлат харидлари, ҳисоб-китоб-клиринг палатаси, харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси

## The role of a special information portal in the state procurement system

Gulnigor Fayoziddin qizi Naimova  
Tashkent Institute of Finance

**Abstract:** The article describes the role and importance of a special information portal in the public procurement system, functions, rights and obligations of the operator.

**Keywords:** electronic system, operator, electronic state procurement, settlement-clearing chamber, participant in procurement procedures

Ўзбекистон Республикаси «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ махсус ахборот портали оператори махсус ахборот порталида давлат харидларини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги оператор сифатида белгиланган талабларга жавоб берадиган юридик шахсга ваколат беради. Операторларга қуйидаги талаблар қўйилади:

- давлат харидлари тўғрисидаги ахборотни жойлаштиришни ва унга киришни, давлат харидлари бўйича статистик маълумотларни қайта ишлаш, давлат харидларини амалга оширишда товарлар (ишлар, хизматлар) классификаторидан фойдаланишни, электрон давлат харидларини ўтказиш, электрон харид қилиш тартиб-таомиллари натижаларига кўра шартномалар тузишни ва ҲҚКП орқали мажбуриятларни бажариш кафолатларини таъминлайдиган ахборот тизимининг мавжудлиги;

- электрон тижорат ва ахборот технологиялари соҳасида малакали ходимлар мавжудлиги;

- портални Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги аппарат-техника воситаларида жойлаштириш;

- унга нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари қўлланилмаганлиги.

Оператор функциясини бажаришни истаган юридик шахс талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатларини ҳамда қонунчилик талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган Одоб-ахлоқ қоидалари лойиҳасини илова қилган ҳолда Молия вазирлигига ариза юборади. Молия вазирлиги ариза олингандан бошлаб бир ой муддатда тақдим этилган ҳужжатларни ўрнатилган талабларга мувофиқлигини ўрганади. Ўрганиш натижалари бўйича Молия вазирлиги куйидаги қарорлардан бирини қабул қилади: аризани қаноатлантириш ва Оператор функцияларини аризага юклаш ҳақида; аризани қаноатлантиришни рад этиш ҳақида.

Аризага Оператор функциялари юклатилганда, у билан келишув тузилади, унда буюртмачи ва иштирокчилардан Оператор фойдасига олинадиган воситачилик йиғими миқдори назарда тутилади. Воситачилик йиғими миқдори барча Операторлар учун ягона ҳисобланади.

Оператор келишувни бекор қилиш ҳақида Молия вазирлигига камида беш ой олдин хабарнома юборган ҳолда ўз ташаббуси билан Операторлик функцияларини бажаришдан воз кечишга ҳақли.

Молия вазирлиги қарори билан, Оператор куйидаги ҳолларда ўз функцияларини бажаришидан четлаштирилиши мумкин: у томонидан давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари жиддий бузилганда; унга нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари қўлланилганда.

Оператор куйидаги функцияларни амалга оширади:

✓ порталнинг узлуксиз ишлашини, унга жойлаштирилган ахборотнинг бут сақланишини ва бир бутунлигини, мазкур порталнинг тегишли давлат бошқаруви органларининг расмий веб-сайтлари ва ахборот тизимлари билан белгиланган тартибда уйғун ишлашини таъминлайди;

✓ қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ахборотнинг электрон шаклда сақланишини, шу жумладан электрон ҳужжатлар ва электрон хабарлар сақланишини таъминлайди;

✓ порталда давлат бошқаруви органлари ўртасида ахборот алмашинувини ташкил этади;

✓ портални Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги аппарат-техника воситаларига жойлаштиради;

✓ портални техник қўллаб-қувватлаш ишларини амалга оширади;

✓ Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги

«Ўзинжиниринг» республика лойиҳалаштириш институти ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликни амалга оширади;

✓ давлат харидлари бўйича статистик маълумотларни шакллантиради;

✓ қонунчилик ҳужжатларида ўрнатилган тартибда Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссияни тузади ва унинг фаолиятини ташкил этади, унинг ишчи органи функцияларини бажаради.

Операторнинг мажбуриятларига буюртмачилар ва иштирокчиларга электрон давлат харидларида қатнашиш учун порталдан бепул фойдаланишларини таъминлаш; қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ порталда мавжуд бўлган ахборотдан жисмоний ва юридик шахсларнинг бепул эркин фойдаланишни таъминлаш; давлат харидлари соҳасидаги ҳисоботни техник қўллаб-қувватлашни таъминлаш; интеграция масалалари ҳамда давлат ахборот тизимлари ва давлат электрон ахборот ресурслари хавфсизлигини таъминлаш бўйича махсус ваколатли орган билан ҳамкорликни амалга ошириш; давлат харидларига тааллуқли ахборотнинг бутлигини таъминлаш; порталда Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрини жойлаштириш; тузилган шартномалар реестрини шакллантириш; давлат харидлари натижалари ҳақида портал орқали Молия вазирлигини хабардор этиш; Молия вазирлигига давлат харидлари билан боғлиқ ахборотни тақдим этиш; ягона етказиб берувчилар реестрини юритиш; давлат харидлари натижалари бўйича товарлар, ишлар, хизматлар нархлари маълумотлар базасини ташкил этиш ва янгилаб бориш, портални узлуксиз ишлашини таъминлаш; одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш киради.

Буюртмачилар ва иштирокчиларни электрон давлат харидларига киритиш тартиб-таомили уларда электрон рақамли имзо мавжуд бўлган ҳолда амалга оширилади. Бюджет буюртмачиларни харидга киритиш автоматик режимда Молия вазирлиги ва Операторнинг маълумотлар базасини электрон ҳамкорлик орқали Оператор томонидан марказлаштирилган тартибда амалга оширилади. Корпоратив буюртмачиларни харидга киритиш улар томонидан порталдаги электрон шаклдаги сўровнома-аризани тўлдириш йўли билан амалга оширилади. Иштирокчиларни харидга киритиш улар томонидан порталдаги сўровномани тўлдириш йўли билан амалга оширилади.

Иштирокчиларни харидга киритиш, уларнинг қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлганда амалга оширилади: шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик; солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги; ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги; Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

Иштирокчи сўровномада унга нисбатан қўлланилган банкротлик тартиб-таомиллари мавжуд эмаслиги ҳамда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича

қарздорлик мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотларни тасдиқлайди. Иштирокчи томонидан сўровнома тўлдирилгандан сўнг, портал томонидан Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри маълумотларини унда иштирокчи ҳақида ёзув мавжуд эмаслик ҳолати текширилади.

Буюртмачилар ва иштирокчиларни харидга киритиш бепул амалга оширилади. Буюртмачилар ва иштирокчиларни харидга киритиш порталга зарур маълумотлар киритилгандан сўнг бир иш куни давомида амалга оширилади.

Оператор буюртмачилар ва иштирокчиларга ҲҚКПда алоҳида шахсий ҳисоб рақамлар очади; буюртмачилар ва иштирокчиларга шахсий кабинетлар ташкил этади. Буюртмачи ва иштирокчи электрон давлат харидларида ўзларининг иштирокларини фақатгина ЭРИ орқали амалга оширадилар. Буюртмачи ва иштирокчи ўртасида ЭРИдан фойдаланган ҳолда порталда тузилган шартнома тегишли шаклда тузилган ҳисобланади. Оператор ҳисоб-китобларни ташкил этиш, ҳисобини юритиш, ҳамда корпоратив буюртмачилар ва иштирокчиларнинг шартномавий мажбуриятларини бажарилишини таъминлаш мақсадида Операторга хизмат кўрсатувчи банкда ҲҚКП учун алоҳида иккиламчи ҳисоб очади. Оператор шартномавий мажбуриятларни бажарилишини таъминлаш ва алоҳида ҳисобини юритиш бўйича корпоратив буюртмачилар ва иштирокчилар учун ҲҚКПда ҳисоб рақам очади. Корпоратив буюртмачи ва иштирокчи электрон давлат харидларида иштирок этиш учун ўзларининг ҲҚКПдаги ҳисоб рақамларига зақалат тўловларини ўтказадилар.

Молия вазирлиги бюджет буюртмачиларининг ҳисоб-китобларини ташкил этиш, шартнома бўйича мажбуриятларини бажарилиши ҳисобини юритиш ва таъминлаш мақсадида Оператор учун Молия вазирлигининг ахборот тизимида махсус шахсий ҳисобварақлар очади ва унга ушбу ҳисобрақамлардаги пул маблағларини бошқариш учун рухсат беради.

Оператор бюджет буюртмачиларига ҳисобини алоҳида-алоҳида юритиш ва шартнома бўйича мажбуриятларни бажарилишини таъминлаш учун ҲҚКПда ҳисоб рақамлар очади. Бюджет буюртмачилар электрон давлат харидларида иштирок этиш учун ўзларининг ҲҚКПдаги ҳисоб рақамларига операторнинг воситачилик йиғимини ўтказадилар.

Бюджет буюртмачиси томонидан шахсий кабинет орқали электрон аукцион, электрон танлов ва электрон тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълон жойлаштирилганидан ёки электрон дўконда иштирокчининг офертаси танлангандан сўнг, портал электрон давлат харидлари яқунларига кўра тузиладиган шартномавий мажбуриятларни бажариш учун, молиялаштириш манбаларини инобатга олган ҳолда, керакли суммага банд қўйиш тўғрисидаги ахборотни Молия вазирлигининг давлат молиясини бошқариш ахборот

тизимидан олгандан сўнг ушбу эълонни ёки танланган оферта бўйича нархлар сўрови механизмини активлаштиради.

Корпоратив буюртмачилар ва иштирокчилар, уларнинг ХҚКПдаги ҳисоб-рақамларида аванс тўловининг етарли миқдори мавжуд бўлган тақдирда электрон давлат харидларида иштирок этадилар.

Бюджет буюртмачилари эълон ёки оферта бўйича ДМБАТ томонидан банд қўйилган суммасининг, шунингдек уларнинг ХҚКПдаги ҳисоб-рақамларида операторнинг воситачилик йиғими суммасининг етарли миқдори мавжуд бўлган тақдирда, электрон давлат харидларида иштирок этадилар.

Аукцион иштирокчиларининг киритилган аванс тўловлари бошқа иштирокчилар томонидан бериладиган паст нарх таклифи келиб тушгунга қадар банд қилиб қўйилади. Электрон дўкон иштирокчиларининг киритган аванс тўловлари ғолиб аниқлангунга қадар банд қилиб қўйилади. Аукцион ва электрон дўкон ўтказишда корпоратив буюртмачиси ва ижрочининг киритган закалатлари шартнома бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилган ёки белгиланган тартибда бекор қилингунга қадар банд қилиб қўйилади.

Бюджет буюртмачи томонидан электрон танлов ёки электрон тендер ўтказишда иштирокчиларнинг закалати ғолиб аниқлангунга қадар хатлаб қўйилади. Электрон танлов ёки электрон тендер ғолибининг закалати шартнома тузилгунга қадар банд қилиб қўйилади.

Корпоратив буюртмачи томонидан электрон танлов ёки электрон тендер ўтказишда иштирокчилар томонидан закалат киритиш зарурати ва миқдори корпоратив буюртмачи томонидан белгиланади ҳамда киритилган закалат электрон танлов ёки электрон тендер ғолиби билан шартнома тузилгунга қадар хатланади. Бунда закалат миқдори товар (иш, хизмат) қийматининг 3 фоизидан ошмаслиги керак.

Молия вазирлиги маълумотлар базаларининг электрон ҳамкорлиги орқали Оператор билан электрон ҳужжатлар айланмасини ҳамда давлат харидларини ташкил этиш учун зарур бўлган ахборот алмашинувини таъминлайди. Электрон давлат харидларининг якунига кўра, портал томонидан автоматик равишда намунавий шакл асосида шартнома шакллантирилади ва шартнома томонларининг шахсий кабинетларига юборилади, шунингдек тузилган шартномалар электрон реестрига киритиш орқали рўйхатдан ўтказилади. Оператор тузилган шартномалар бўйича ахборотни Молия вазирлиги ва Операторнинг маълумотлар базалари электрон ҳамкорлиги орқали Молия вазирлигига юборади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги шартномалар тузилганлиги тўғрисидаги ахборотни қабул қилгандан сўнг бир иш куни мобайнида автоматик тартибда ДМБАТда рўйхатдан ўтказилади ёки ҳисобга

олади, шунингдек электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартнома суммасини ҲККПга ўтказиб беради.

Бюджет буюртмачиси электрон танлов ёки электрон тендер натижасида тузилган шартнома бўйича тўловларни ҲККПдаги шахсий ҳисоб рақамлардан фойдаланмаган ҳолда амалга оширади. Бунда олдиндан тўлов шартлари шартномада назарда тутилади.

Корпоратив буюртмачилар электрон дўкон ёки аукцион натижасида тузилган шартнома бўйича тўловларни тўлиқ ҳажмда амалга ошириш учун ушбу шартнома порталда рўйхатга олинган пайтдан бошлаб, беш иш куни мобайнида ўзларининг ҲККПдаги ҳисоб рақамларига пул маблағларини ўтказадилар. Бунда закат, шартнома бўйича тўлаш суммасига қўшиб ҳисобланади.

Корпоратив буюртмачилар электрон танлов ёки электрон тендер натижасида тузилган шартнома бўйича тўловларни ҲККПдаги шахсий ҳисоб рақамлардан фойдаланмаган ҳолда амалга оширади.

Агарда, корпоратив буюртмачи электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартномада белгиланган муддатда тўловни амалга оширмаган тақдирда, унинг закалати уч иш кунида, мазкур муддат тугаганидан сўнг, кейинчалик унга хизмат кўрсатувчи банк ҳисобига ўтказиш учун, ижрочининг ҲККПдаги тегишли ҳисоб рақамига ўтказилади.

ҲККП буюртмачидан электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартнома бўйича келиб тушган тўлов суммасини банд қилиб қўяди ва пул маблағлари келиб тушган куннинг эртасидан бир иш кунидан кечикмаган муддатда электрон шаклда тўловни амалга ошириш бўйича ижрочига хабарнома юборади. Мазкур хабарнома ижрочига товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ижрочи томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) ҲККП томонидан тўлов амалга оширилиши тўғрисидаги хабарномасиз етказиб берилган тақдирда, буюртмачи томонидан товарлар учун тўловни амалга оширмаслик хавфи ижрочининг зиммасида бўлади. Корпоратив буюртмачи товарни (ишни, хизматни) қабул қилгандан кейин уч иш куни мобайнида Операторга ўзининг шахсий кабинетидан фойдаланган ҳолда электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартнома асосида товарни (ишни, хизматни) тўлиқ ҳажмда қабул қилганлик тўғрисидаги ахборотни юборишга мажбур.

Бюджет буюртмачиси товарни (ишни, хизматни) қабул қилгандан сўнг уч иш куни мобайнида шартнома асосида товарни (ишни, хизматни) тўлиқ ҳажмда қабул қилганлик тўғрисидаги ахборотни, бюджет ташкилотларининг ҳисоби ва ҳисоботлари автоматлаштирилган тизимининг дастурий комплекси орқали ДМБАТга киритишга ва юборишга мажбур. ДМБАТ, бюджет буюртмачиси томонидан шартнома асосида товарни (ишни, хизматни) етказиб берганлик

тўғрисидаги ахборотни олгандан кейин бир иш куни мобайнида маълумотлар базаларининг электрон алмашинуви орқали Операторга юборди.

Оператор, товарлар (ишлар, хизматлар) электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартнома бўйича тўлиқ ҳажмда етказилганлиги ҳақида маълумотни олгандан сўнг, бир иш куни давомида: электрон тўлов топшириқномасини шакллантиради ва ДМБАТга юборди, у эса тўлов топшириқномасини олгандан сўнг бир иш куни давомида бюджет буюртмачиларининг пул маблағларини ижрочига юборди; электрон тўлов топшириқномасини шакллантиради ва Операторга хизмат кўрсатувчи банкка юборди, у эса тўлов топшириқномасини олгандан сўнг, бир иш куни мобайнида корпоратив буюртмачиларнинг пул маблағларини ижрочига юборди; ижрочининг закатига қўйилган бандни бекор қилади; закатни банддан ечади ва корпоратив буюртмачининг тегишли шахсий ҳисоб рақамига қайтаради; электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилганлиги ҳақидаги маълумотни порталга жойлаштиради.

Оператор электрон танлов ёки электрон тендер натижасида шартнома тузилганидан сўнг, бир иш куни давомида закатни банддан ечади ва уни ижрочининг тегишли шахсий ҳисоб рақамига қайтаради.

Корпоратив буюртмачи томонидан ўтказилган электрон танлов ёки электрон тендерда иштирокчилар томонидан закат киритилган тақдирда, у Оператор томонидан шартнома тузилганидан сўнг, бир иш куни давомида банддан ечилади ва ижрочининг тегишли шахсий ҳисоб рақамига қайтарилади.

Электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартнома бўйича етказиб бериш муддати тугагандан сўнг, товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берганлиги ҳақидаги маълумот мавжуд бўлмаса, портал бир иш куни мобайнида автоматик режимда буюртмачи ва Молия вазирлигини хабардор қилади.

Буюртмачи томонидан электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартнома бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берилганлиги ҳақидаги маълумот тақдим қилинмаганда, ХККП ушбу шартнома бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш муддати тугагач уч иш кунидан сўнг бюджет буюртмачиларнинг шартнома бўйича пул маблағларига суд ёки давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг тегишли қарори қабул қилингунига ёки у бекор қилингунга қадар банд кўяди; корпоратив буюртмачи томонидан шартнома бўйича киритилган маблағлардан, закатдан ташқари, бандни бекор қилади; корпоратив буюртмачи ва ижрочининг закатига суд ёки давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг тегишли қарори қабул қилингунига ёки у бекор қилингунга қадар банд кўяди; бажарилмаган шартномалар бўйича маълумотларни Молия вазирлигига юборди.

ХККП суднинг қонуний кучга кирган қарори ёки давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия қарори асосида закатни банддан ечишни ва/ёки тегишли ҳисоб рақамга ўтказишни амалга оширади.

Бунда, ХККП ижрочининг закати жарима сифатида бюджет буюртмачисига ўтказилиши тўғрисидаги суднинг қонуний кучга кирган қарори ёки давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия қарори асосида закатни бюджет буюртмачисининг бюджетдан ташқари тегишли ҳисоб рақамига ўтказишни амалга оширади.

Портал, электрон давлат харидларининг яқунларига кўра, битимнинг ҳақиқий суммасидан операторнинг воситачилик йиғимини буюртмачи ва иштирокчининг аванс тўловларидан ушлаб қолади.

Иштирокчиларнинг ва корпоратив буюртмачиларнинг банди бекор қилинган пул маблағлари, уларнинг топшириқларига асосан бошқа электрон давлат харидларида аванс тўловлари сифатида фойдаланилиши мумкин ёки хизмат кўрсатадиган банклардаги уларнинг ҳисоб рақамларига қайтарилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Қонуни

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 21 майда 3015 рақам билан рўйхатдан ўтказилган “Махсус ахборот портали операторининг давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Низом.

4. O‘roqov U.Yu. Davlat xaridi. O‘quv qo‘llanma. T.: «Nihol print» OK, 2022. 200 b.

5. У.Ўроқов, Э.Шодмонов, Д.Бобобекова. Давлат харидларини бошқариш. Т.-2022 й.

6. У. Ўроқов. Давлат харидлари тизими: кеча ва бугун. «Бозор, пул ва кредит» журнали, 8-сон, 2018 й.

7. У.Ўроқов. Давлат харидлари тизимида электрон харидлар ҳажмини ошириш масалалари. “Замонавий молиянинг миллий ва халқаро долзарб масалалари”. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. ТМИ, 2021 йил 20 май

8. Ўроқов У.Ю. Чинқулов Қ.Р. Ўзбекистонда давлат харидларининг такомиллашувининг ҳуқуқий асослари. «Халқаро молия ва ҳисоб» журнали, 2017 йил 8-сон.
9. У.Ўроқов. Ўзбекистонда давлат харидлари тизимини такомиллаштириш масалалари. “Ўзбекистонда давлат харидлари тизимини такомиллаштириш масалалари” мавзусидаги олий ўқув юртлараро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. ТМИ, 2014 йил 13 декабрь
10. У.Ўроқов. Ҳазначилик тизимида бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш масалалари. “Худудлар молиявий салоҳиятини юксалтиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳамияти” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами.ТМИ, 2017 йил
11. У.Ўроқов. Бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш йўллари. “Худудлар молиявий салоҳиятини юксалтиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳамияти” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами.ТМИ, 2017 йил 12 апрель
12. Uchqun O'roqov, Javohir Yomg'Irov. Davlat xaridlarini tashkil etish modellari: afzalliklari va kamchiliklari. Science and Education, 2022. № 12
13. У.Ю.Уроқов. Ўзбекистонда давлат харидларининг такомиллашувининг ҳуқуқий асослари.«Халқаро молия ва ҳисоб» журнали. 2017
14. У.Уроқов. Бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш йўллари.2017
15. У.Уроқов. Маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигини белгиловчи курсаткичлар. 2020.
16. У.Ю Уроқов, Қ.Р. Чинқулов. Ўзбекистонда давлат харидларининг такомиллашувининг ҳуқуқий асослари. «Халқаро молия ва ҳисоб» журнали, 2017
17. Учқун Ўроқов, Улугбек Шарипжон Ўғли. Ҳадли келишув тартиб-таомили орқали давлат харидларини амалга ошириш тартиби. Science and Education, 2023
18. T Malikov, N Haydarov. Davlat byudjeti. T.:" IQTISOD-MOLIYA, 2007
19. T Malikov, N Haydarov. Byudjet daromadlari va xarajatlari” o’quv qo’llanma. Toshkent:“IQTISOD-MOLIYA, 2007.
20. НХ Хайдаров. Маҳаллий бюджетлар: муаммо ва инновацион ечимлар. Ўзбекистон статистика ахборотномаси” илмий электрон журнали. 2020
21. AV Vaxabov, SA Tashmatov, NX Haydarov. Moliyaviy savodxonlik asoslari: o’quv qo’llanma/-Toshkent. Baktria Press. 2013
22. T Malikov, N Haydarov. Byudjet: tizimi, tuzulmasi, jarayoni” o’quv qo’llanma. Toshkent “IQTISOD-MOLIYA, 2008

23. ТС Маликов, НН Хайдаров. Финансы: государственные финансы. Учебное пособие. Экономика и финансы. Ташкент. 2009
24. TS Malikov, NH Naydarov. Finance: public finance-T.:“ Economyfinance. 2018
25. Н. Хайдаров. Давлат молиясини бошқариш. Т.:«Академия, 2005
26. АА Ботиров, НВ Юлдашева. Местные бюджеты. – Т-Издательство: МОЛИЯ-ИКТИСОД, 2015
27. НВ Юлдашева ХФ Шодибековна-Анализ этапов бюджетной политики государства по активизации деятельности местных бюджетов Республики Узбекистан- Экономика и финансы(Узбекистан).№5. С.33-41. 2018.
28. ШМ Бабаева, НВ ЮЛДАШЕВА. Специфика организации государственной финансовой поддержки субъектов малого бизнеса в Республике Узбекистан. Интернаука, 2022
29. Юлдашева Надира Виктровна, Хамраев Ойбек. Пути повышения эффективности структуры малого бизнеса посредством цифровой трансформации экономики. Москва, Издательство Интернаука. 2022/2
30. Zaripov Khusan Bakhodirovich. Prospects for the Development of the Insurance Market in the National Economy. The Peerian Journal, 2022
31. H Zaripov. Corporate fiscal planning in the Republic of Uzbekistan. Obshchestvo i ekonomika, 2019
32. Kh Zaripov. THE EFFECTS OF PROFIT TAXES ON ECONOMICAL ACTIVITIES OF JOINT-STOCK COMPANIES. International Finance and Accounting, 2018
33. Zaripov Khusan Bakhodirovich. Trends in the Development of the Tax System of the Republic of Uzbekistan. Texas Journal of Multidisciplinary Studies, 2022
34. Zaripov Khusan Bakhodirovich. CURRENT STATE OF TAXATION OF COMMERCIAL BANKS IN OUR COUNTRY. British Journal of Global Ecology and Sustainable Development. 2022
35. ОА Шодиев. Особенности применения упрощенной системы налогообложения в Узбекистане. Экономика и бизнес: теория и практика. 2018
36. ОА Шодиев. Особенности применения упрощенной системы налогообложения в Узбекистане. Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. 2017
37. ОА Шодиев. АКЦИЗНЫЙ НАЛОГ В УЗБЕКИСТАНЕ: ОСОБЕННОСТИ И ПРОБЛЕМЫ СОВРЕМЕННОГО РАЗВИТИЯ. Экономика и бизнес: теория и практика. 2021

38. Khaydarova F. DETERMINANTS OF THE COMPETITIVENESS OF THE TEXTILE INDUSTRY IN UZBEKISTAN. Financial and Economic Sustainability. Vol. 2, Issue 2, Sept, 2022